

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ**

**Катта ўқитувчиси Дадабоев Саминжонинг  
“Француз эртакшунослиги тарихига бир назар”  
мавзусидаги**

**ИЛМИЙ  
МАҚОЛАСИ**

**Наманган-2019**

Саминжон Дадабоев  
НамДУ Немис ва француз  
тиллари кафедраси катта  
ўқитувчиси

### **Француз эртақшунослиги тарихига бир назар**

Классицизм адабиёти даврининг серғайрат француз эртақшуносно шоири, танқидчиси 1671 йилдан француз академиясининг аъзоси Шарль Перро 1628 йили Парижда адвокатлар оиласида дунёга келади. У болалик чоғларидаёқ адабитёга жуда қизиқади. Шарль Перро ўз даврининг таниқли фан ва давлат арбобларидан бири эди. Шарль Перронинг халқ оғзаки ижоди намуналарига қизиқиши катта бўлгани боис, бутун умрини француз фольклорининг асл намуналарини тўплашга ва нашр эттиришга бағишлади. Бугунги кунда ҳам китобхонлар томонидан ўқилиб келинаётган эртақлар тўплами, ўз даврида Шарль Перрони дунёга танитган „Contes de ma mère L’Oie“ ”Ғоз онамининг эртақлари ” тўплами асрлар давомида қўлдан- қўлга ўтиб келаётганлиги хаттоки кичик ёшдаги болажонлар томонидан жуда катта қизиқиш билан ўқилиши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Тўпламнинг қўлёзма шакли 1695-йилда тайёрланган ва 1697-йилда „Histoires ou Contes du temps passé, avec des moralitez“ сарлавҳаси остида ўғли Перро д’Арманкур номидан нашр қилинган эди. Кейинчалик мазкур тўплам „Contes de ma mère L’Oie“ номи билан дунёга танилган. Шунингдек бу тўпламдан Шарль Перронинг дунёга машҳур „La Belle au bois dormant“ (“Уйқудаги малика”), „Le petit Chaperon rouge“ (“Қизил қалпоқча”), „Le maître Chat ou le Chat botte“ (“Этик кийган мушук”), „Les fées” “Бўрон кампир”, “Cendrillon ou la petite pantoufle de verre“ (“Кулойим”), „Le petit puset“ (“Одамхўр хузуридаги йигитча”) каби эртақлар ҳам ўрин олган.

Шарль Перронинг эртақшунослик соҳасидаги хизматлари фольклоршунослар томонидан алоҳида эътироф этилиб, ижодий фаолияти бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, ака-ука Гриммлар

ёзувчи фаолиятига чуқур хурмат билан қараб, чинаккам эртақ тўплаш аънарасига айнан Шарль Перро асос солганлигини таъкидлайдилар.

Агар эътибор берадиган бўлсак, Перро тўплами кўп жиҳатлари билан Гриммлар тўламига яқин туради. Масалан, ундаги “Қизил қалпоқча”, “Бўрон кампир”, “Уйқудаги малика”, “Кулойим” каби бир неча эртақлар ака-ука Гриммлар томонидан 1812-йилда нашр қилинган тўпланда ҳам учрайди. Турли ўлкалар эртақларининг мотив ва сюжетларидаги бундай ўхшашликлар ўша даврда Гриммлар учун қутилмаган янгилик бўлган бўлса, бугунги кунга келиб эртақ жанрининг бу хусусиятлари ўз тасдиғини топган оддий ҳақиқатга айланди. Масалан, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар орқали биргина “Кулойим” эртагининг бутун дунё бўйича 300 дан ортиқ вариантлари аниқлангани ва уларнинг аксариятида йўқолган бошмоқлар ҳақида сўз юритилиши фикримизнинг далилидир. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо бир нарса аниқки, агар асрлар давомида авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келаётган халқнинг бу адабий дурдоналари қоғозга туширилмаганда, эртақшунослик соҳасида юқоридаги хулоса ва натижаларга эришиш мумкин бўлмаган бўлар эди.

Шу боис ҳам Шарль Перронинг эртақшунос олим сифатидаги фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан у биринчилардан бўлиб эртақ тўплаш ва нашр эттириш аънарасига асос солди ва бу билан эртақ тарихида янги даврни бошлаб берди. Натижада эртақларга бўлган муносабат кескин ўзгарди, уларни мустақил жанр сифатида жиддий тадқиқ қилишга ва ўрганишга киришилди.

Шарқ эртақларининг Европага кириб боришида ҳам айнан французча таржималар воситачи вазифасини бажарганлиги тарихий манбалардан маълум. Масалан, “Минг бир кеча” туркумидаги эртақлар илк бор Жан Антуан Галланд томонидан француз тилига таржима қилиниб, 1704-1712-йилларда „Les mille et une Nuits en François“ номли 10 томли тўпланда нашр эттирилган. Бу туркумдаги эртақларга қизиқиш ўша даврда шу даражада юқори бўлганки, қисқа муддат ичида улар инглиз, олмон, итальян, голланд,

дания ва рус тилларига таржима қилинади. Бироқ, француз эртақшунослари нафақат таржимонлик фаолияти билангина чекланиб қолмай, балки эртақларни тўплаш, тадқиқ этиш, қоғозга тушириб нашр этириш борасида ҳам улкан ишларни амалга оширганлар.

Француз адабиёти, унинг ўзбек тилига таржималари борасида мамлакатимиз адабиётшунос олимлари ҳам шу кунга қадар бир қотор илмий тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Шундай олимлардан бири профессор Шоазим Миноваров томонидан йирик француз эртақшуноси Шарль Перронинг “Ғоз онамнинг эртақлари” номли француз эртақлари тўплами бевосита француз тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, ўзбек болажонларига тақдим этилди.

Шу боис ҳам Шарль Перронинг эртақшунос олим сифатидаги фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан у биринчилардан бўлиб эртақ тўплаш ва нашр этириш анъанасига асос солди ва бу билан эртақ тарихида янги даврни бошлаб берди. Натижада эртақларга бўлган муносабат кескин ўзгарди, уларни мустақил жанр сифатида жиддий тадқиқ қилишга ва ўрганишга киришилди.

Адабиётлар:

- 1.F.Ploquin, L.Hermeline, D.Rolland, Litterature française. Paris, 2000.
- 2.“Она ғоз эртақлари”, француз тилидан Шоазим Миноваров таржимаси, “Шарқ нашриёти”, Тошкент, 2005
- 3.Жаҳон халқлари эртақлари, “Шарқ нашриёти”, Тошкент, 1991
4. Т.Г. Хатисова ”Хрестоматия по французское литературе ” М. 1993
5. Wikipedia.org.wiki Perr